

Сийрат дарслари (92-дарс). Ўзингизга фақат яхшилик тилаб дуо қилинглр



13:00 / 03.07.2020 3392

382. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг устига кирганларида, унинг кўзи очилиб қолган эди. Шунда у зот (унинг) қовоқларини ёпиб қўйдилар. Сўнгра: **«Қачон руҳ қабз қилинса, кўз унга эргашиб қолади»**, дедилар. У(Абу Салама)нинг аҳлидан баъзи одамлар шовқин кўтаришди. Шунда у зот: **«Ўзингизга фақат яхшилик тилаб дуо қилинглр. Чунки фаришталар сиз айтаётган нарсага «омин» деб туришади»**, дедилар. Кейин эса: **«Аллоҳим! Абу Саламани мағфират қил. Унинг даражасини ҳидоятда бўлганлар ичида кўтар. Ундан кейин ортидан қолганларга Ўзинг ўринбосар бўл. Бизни ҳам, уни ҳам мағфират қил. Эй Оламларнинг Робби, унга қабрини кенг қил ва қабрини мунаввар қил»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бемор ёки вафот этаётган киши ҳузурда ҳозир бўлсангиз, яхши гап айтинг. Чунки фаришталар сиз айтаётган нарсага «омин!» деб туришади»**, дедилар. Абу Салама қазо қилганда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Салама вафот этди», дедим. **«Аллоҳим, мени ҳам, уни ҳам мағфират қил ва**

менга ундан яхши ортда қолувчи бергин, деб айт», дедилар. Мен шуни айтдим ва Аллоҳ менга ундан яхши ортда қолувчини – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни берди».

Муслим ривоят қилган.

383. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қачон мўминнинг руҳи чиқса, икки фаришта қабул қилиб юқорига кўтаришади.** – Ҳаммод айтди: «Унинг хушбўйини ва мушкни зикр қилди». – **«Ва осмон аҳли: «Ер тарафдан покиза руҳ келди. Аллоҳ сенга ва сен обод қилган жасадга саловот юборсин», дейишади. Шунда уни Робби азза ва жаллага олиб боришади. Сўнгра: «Уни ажалнинг охирига олиб боринглар», дейди. «Кофирнинг руҳи чиқса...»** – Ҳаммод айтди: «Унинг бадбўйини ва лаънатни зикр қилди». – **«Ва осмон аҳли: «Ер тарафдан нопок руҳ келди», дейишади. Шунда «Уни ажалнинг охирига олиб боринглар», дейилади».**

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан